

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

356 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби бўйича услубий кўрсатмаларга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил
24 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 740-1*

(2011 йил 3 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 10 декабрдаги ПФ–1657-сон «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 1-сон, 7-модда) ва 2002 йил 25 январдаги ПФ–3017-сон «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 1-сон, 32-модда) фармонлари, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ–1251-сон «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 562-модда) ва 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ–1252-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 563-модда) қарорларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги томонидан 1999 йил 26 майда ҳамда Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 28 майда тасдиқланган «16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби бўйича услубий кўрсатмалар»га (рўйхат рақами 740, 1999 йил 4 июнь) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

34-35 (482-483)-сон

— 145 —

356-357-моддалар

лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга
киради.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири**

А. ХАЙТОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 13 июль,
40-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 13 июль,
41-сон